



Гулбахор Мохидаврон-Султон (тахм. 1500 йил - 3 февраль 1580/1581 йил, Бурса, Усманийлар империяси) - шахзода Мустафонинг онаси, Усманийлар Султони Сулаймон I нинг асосий канизаги.

Баъзи тарихчилар Мохидавроннинг «Султон» унвонини олган деб ҳисобласа, бошқалар унинг норасмий «кадин» унвонига эга бўлган деб ҳисоблайди. Лесли Пирснинг сўзларига кўра, Мохидаврон «хатун» унвонини олди, чунки Сулаймон I ва Хуррем ўртасидаги никоҳ ва «хасеки-Султон» унвони жорий қилинишидан олдин Султонларнинг барча канизаклари «хатун» унвонида бўлган.

Келиб чиқиши

Тахминлардан бирига кўра, Мохидаврон келиб чиқиши черкеслардан бўлган; баъзи манбаларга кўра, у аслзода князлар Бесленеевларнинг Кануковлар оиласига мансуб бўлган ва катта князь Маашук Кануковнинг синглиси эди. Мохидаврон албанлардан, черногориялик ёки ва абхазлардан эканлиги ҳақида тахминлар ҳам бор. Турли хил ҳарам ҳужжатларида унинг отаси Абдурахмон ва Абдулманнон деб кўрсатилган; Бурсада шахзода Мустафонинг турбаси ҳақидаги ҳужжатларда Абдуллох исмли киши

Мохидавроннинг отаси сифатида кайд этилган.

Сулаймон I нинг канизаги

Мохидаврон Сулаймоннинг Маниса санжакбейи лавозимида бўлган даврида ўн етти канизакларидан бири эди; ўша пайтда у шахзоданинг асосий канизаклари каторига кирмасди ва Сулаймоннинг бошка иккита севимлиси сингари кунига атиги 4 акча маош олган (учта асосий канизак бир акча кўпрок оларди). 1515 йилда у биринчи ўгли Мустафони тугди.

1520 йилда Султон Селим I вафот этди; Сулаймон Султон бўлди ва оиласи билан Истанбулга кўчиб ўтди. Бир йил ўтгач, Сулаймоннинг икки ўгли - тўққиз ёшли Махмуд ва икки ёшли Мурод чечакдан вафот этди; Султон ўгилларининг ўлими Мохидавронни тахтнинг ягона меросхўрининг онасига айлантирди ва анъанага кўра унга харамда волида-Султондан кейин иккинчи ўринда турадиган бош хотин (баш-кадин) унвонини олиб келди.

Харамда Мохидавроннинг нуфузли ракиби, Султоннинг севимлиси Хуррем Султон бор эди. 1521 йилда Хуррем биринчи ўглини, шахзода Мехмедни тугди; 1522 йилда шахзода Абдуллох тугилди, тарихчилар Мохидавронни ҳам, Хурремни ҳам унинг онаси деб хисоблашади. 1524 йилда Хуррем яна бир ўғил - шахзода Селимни тугди, бир йилдан сўнг Абдулла вафот этди; Мохидаврон тахтнинг ягона меросхўрининг онаси сифатида ўз мавкеини йўкотди. Сулаймон иккала канизакка ҳам тенг хурмат билан муносабатда бўлган, аммо 1526 йилга келиб у эътиборини бутунлай Хурремга қаратган. Охир-окибат, элчи Пьетро Брагадин хабар берганидек, Мохидавроннинг ягона қувончи унинг ўгли Мустафо эди.

Хуррем яна ўгиллар тугишда давом этгани сари, Султонга кўпрок таъсир кўрсатиш имконига эга бўларди. Сулаймоннинг онаси Хафса-Султон ўглининг икки канизаги ўртасидаги рақобатни йўқотишга ҳаракат қилди, лекин муваффақиятга эриша олмади. 1533 йилда венециялик элчи Бернардо Наважеронинг хабарларига кўра, аёллар ўртасидаги кураш Хуррем жароҳатланган мушталашувга олиб келди; окибатда Мохидаврон Султондан узоқлаштирилди. 1533 йилда Мохидаврон ўгли билан Манисага жўнаб кетди ва кўп ўтмай Хуррем Сулаймоннинг қонуний хотинига айланди; Мохидавроннинг ўзи бош хотин макомини йўкотди.

Мустафонинг Маниса ва Амасьядаги ҳукмронлик даврида

Усманийлар анъаналарига кўра, ҳамма шахзодалар вилоятлардан бирида губернатор (санжакбей) лавозимини эгаллаб, мамлакатни бошқариш борасида сабоқ олишлари талаб қилинарди; кўпинча тўнгич ўғил ва валиахд шахзода Манисада санжакбей бўларди; валиахд онасининг мажбуриятлари каторига вилотда ўғлига ҳамроҳлик қилиш ва унинг харамини бошқариш қирарди. Мустафо 1533 йил тантанали маросимдан кейин онаси билан бирга Манисага йўл олди. Венециялик дипломатлардан бири 1540 йилда шахзоданинг саройи ва унда онасининг ролига қуйидагича таъриф берган: «бу ажойиб ва шуқухли сарой отасининг саройидан кам эмас» эди ва «у билан бирга бўлган онаси одамларнинг меҳрини қандай қозонишни ўргатарди». 1541 йилда шахзода Мустафо ва

Австрия элчиси ўртасидаги музокаралар туфайли Сулаймон ниҳоят ўглини ўзидан узоклаштирди ва уни Амася губернатори лавозимига ўтказди ва Хуррамнинг тўнғич ўгли шахзода Мехмедни Манисага тайинлади; Амася пойтахтдан узокрокда эди, бу Султон вафот этган тахтда тахтни эгаллаш борасида Мохидаврoннинг ўгли имкониятларини пасайтирди. Шахзода Мехмед 1544 йилда вафот этди ва Мохидаврoн Мустафо Манисага кайтади деб умид килди, аммо Султон Хурремнинг бошқа ўгли — шахзода Селимни у ерга юборди. Хуррамнинг яна бир ўгли шахзода Баязид дастлаб Коняга, кейин Кутахяга юборилганди, бу ҳам Истанбулга Амасяга караганда яқинроқ эди. Тахтга учта даъвогардан икkitаси Хуррем Султоннинг ўғиллари бўлган вазиятда Мустафонинг ҳаёти хавф остида эди: 1553 йилда Наважеро «Мустафонинг онаси ўглини захарлаб қўймасликлари учун қўп ҳаракат қилади ... ва у онасига чексиз ҳурмат ва эҳтиром билдирарди».

Мустафо халқ орасида жуда машҳур эди. У тўққиз ёшлигида венециялик элчи шундай деб ёзган эди: «у ажойиб истеъдодга эга, у яничарлар жуда яхши кўрадиган жангчи бўлади ва катта жасорат кўрсатади». 1553 йилда Мустафо 38 ёшга тўлганида Наважеро «уни канчалик севишларини ва тахт вориси сифатида исташларини тасвирлаб бўлмайди» деб ёзган. Ўша даврдаги миш-мишлар ва тахминларга кўра, Сулаймон I ҳукмронлигининг охирига келиб, унинг ўғиллари ўртасидаги тахт учун кураш аниқ бўлди; бундан ташқари, Хуррем ва унинг қуёви, Буюк вазир Рустем Пошо Султонни Мустафога қарши гиж-гижладилар, уни Султонга қарши фитна уюштиришда ва Сулаймон I. ни ағдариш учун тартибсизликлар уюштиришда айбладилар, 1553 йилда форсларга қарши уруш пайтида Мустафо фитна айблови билан қатл этилди; бир неча кундан кейин, Мустафонинг етти ёшли ўгли Мехмед ҳам қатл этилди. Мустафо ҳақиқатан ҳам Султонни ағдариб ташламоқчи бўлганми ёки унга тухмат қилинганми, номаълум.

Ўғлининг ҳаётининг охиригача Мохидаврoн уни сиёсий душманлардан ҳимоя қилишга ҳаракат қилди ва, эҳтимол, бу максатда кенг хабарчилар тармоғини ташкил қилди ва қўллаб-қувватлади. Элчи Тревизано 1554 йилда ўгли қатл этилган куни Мохидаврoн Мустафога отаси уни ўлдирмоқчи бўлганлиги ҳақида огохлантириш хати юборганини ёзган, аммо Мустафо онаси ва дўстларининг огохлантиришига эътибор бермаган.

Мустафонинг қатл этилиши, бевалик

Ўгли ва набираси қатл этилганидан кейин бир неча йил давомида Мохидаврoннинг ҳаёти жуда оғир кечди. Мохидаврoн ўғлининг беваеси билан бирга Мустафо дафн этилган Бурсага сургун қилинди. Мохидаврoн Султоннинг газабига йўлиққан шахзоданинг онаси бўлиб, барча нафакалардан маҳрум бўлди, ўзини ва келинини уй-жой билан таъминлаш учун ҳар қандай моддий қийматга эга бўлган ҳамма нарсасини сотишга мажбур бўлди. Вазият факат Сулаймон вафотидан кейин, ўша пайтда унинг ягона ўгли Селим II тахтга ўтирганида ўзгарди. Селим Мохидаврoннинг барча қарзларини тўлади, унга Бурсада уй сотиб олди ва бева аёлга нафақасини тайинлади. Барқарор ва етарли даромадга эга бўлган Мохидаврoн ўғлининг макбарасини қўллаб-қувватлаш учун фонд ташкил қила олди

Мохидаврoн Султон 1580/1581 йил 3 февралда, Сулаймон, Хуррем ва уларнинг барча фарзандларидан кейин вафот этди. У Бурсадаги шахзода Мустафо макбараси Мурадие масжидида дафн қилинган.

Болалари

Мохидаврон бир нечта шахзоданинг, жумладан, Мустафо (1515-1553), Абдуллох (гўдаклик даврида вафот этган, Хуррем Султон ҳам унинг онаси хисобланади) ва эхтимол, Ахмаднинг онаси эди. Шунингдек, Мохидавроннинг Разие-Султон исмли кизи бўлган деб тахмин килинади.

Мохидаврон Павелъ Загребелнийнинг «Роксолана» романи, шунингдек, бир нечта телесериаллар кахрамонлардан бири:

«Роксолана» (Украина, 1996-2003); ролни Наталья Гончарова ўйнаган.

«Хуррем Султон» (Туркия, 2003); роли Хатиже Аслан ўйнаган.

«Мухташам юз йиллик» (Туркия, 2011-2014); ролни Нур Феттахоглу ўйнаган.

Абу Муслим тайёради